

CONCEPTUAL MODEL OF INSTALLATION AND DEVELOPMENT OF SMALL INDUSTRIAL ZONES

Salimov Bakhodir Bakhtiyorovich¹

¹PhD researcher, Tashkent State University of Economics
Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 49

E-mail: professor_bsalimov@mail.ru

Abstract: The article highlights the conceptual model of the creation and development of small industrial zones (SIZ), the stages of creation, design mechanisms, the definition of production directions and the selection criteria for establishing small businesses in the territory of the zone.

Key words: small industrial zone, small business entities, conceptual model, selection criterion, directorate, infrastructure, engineering communication, public-private partnership, conglomerate.

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛИ

Салимов Баходир Бахтиёрович¹

¹Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти
Ўзбекистон, 100066, Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 49

E-mail: professor_bsalimov@mail.ru

Аннотация: Ўзбекистонда кичик саноат зоналар (КСЗ) ни барпо этиш ва ривожлантиришнинг концептуал модели, унинг босқичлари, расмийлаштириш механизмлари, КСЗларни ишлаб чиқариш йўналишларини белгилаш ва кичик бизнес субъектларини зона ҳудудига жойлаштиришнинг танлов мезонлар тизими ёритилган.

Калит сўзлар: кичик саноат зона, кичик бизнес субъектлари, концептуал модел, танлов мезонлари, дирекция, инфратузилма, муҳандислик коммуникация, давлат-хусусий сектор шериклиги, конгломерат.

Кириш

Хозирги вақтда кичик бизнесни ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали йўлларида бири бўлиб кичик саноат зоналар (КСЗ) ҳисобланади. Кичик саноат зоналари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 378-сонли қарорига кўра, давлат мулки объектларининг фойдаланилмаётган ҳудудлари ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари негизида ташкил этилиши кўрсатиб утилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат Вазирлигининг берган маълумотларига кўра Республикада 90 дан ортиқ КСЗлар барпо этилган. Уларда умумий қиймати 1556.2 млрд сўмга тенг бўлган 956 та лойихи амалга оширилган, 25 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилган, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 1206.6 трлн сўмни ташкил этади.

Лекин шу билан бирга уларни барпо этишнинг ягона илмий жиҳатдан асосланган ташкилий-иқтисодий модели ишлаб чиқилмаган. КСЗ ларни ташкил этишнинг асосий муаммоларига, бизнинг фикримизча, қўйидагиларни киритиш мумкин: айрим ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш бўйича малакали кадрларнинг етишмаслиги, илғор хорижий ускуна ва технология асосида бизнесни бошлаш учун бошланғич маблағнинг етишмаслиги (бу муammo КСЗ ларда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларига ҳам тегишли), ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига кўра КСЗ ларни турлаштириш асосида ҳудудлар бўйича жойлаштиришнинг илмий асосланган тартиб-қоидасининг йўқлиги, КСЗ лар ичида лойиҳаларни танлов асосида жойлаштиришда уларнинг техник, экологик, иқтисодий ва ижтимоий томонларини эътиборга оладиган ягона мезонлар тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги.

Барпо этилган ва фаолият кўрсатаётган КСЗ лар тажрибаси ва хорижий тажрибаларни ўрганиш, мавжуд муаммоларни назарий жиҳатдан ўрганиш орқали КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ягона моделини ишлаб чиқилиши вужудга келадиган йўқотишларнинг олдини олишга ва юқоридаги муаммоларнинг маълум даражада ечимини топишга олиб келар эди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мазкур мавзу юзасидан Ю.А. Арутюновнинг ишида асосий эътибор, Россия шароитида, ҳудудий саноат комплексларни кластер асосида ривожлантириш масалаларига қаратилган [1].

А.А. Алпатовнинг ишида индустриал зоналарни барпо этишда, инфратузилма элементларини ва ишлабчиқариш биноларини қуришда давлат-хусусий сектор шерикчилигидан фойдаланиш, ва уни амалга ошириш механизмлари тўғрисида гап боради [2].

О. Н. Беленов, Т. Ю. Смольянинова, Ю. В. Шурчкова ишларида Индустриал паркларнинг мазмуни, моҳияти ва унинг хусусиятлари ҳамда уларнинг ҳудудий саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги ўрни билан боғлиқ масалалар кўрилган [3].

Индустриальные парки: сущность и основные характеристики.Чувардинский И.В.[4]

М.И.Беркович, Н.И.Антипинанинг [6] ишида Россия шароитида индустриал зоналарни ташкил этиш, уларнинг регионал хусусиятлари ва классификациялаш масалаларига эътибор берилган.

Умуман олганда,индустриал парк, зоналарга жуда кўп хорижий олимларнинг ишлари бағишланган , лекин индустриал парк ва зоналар Ўзбекистонда барпо этилаётган кичк саноат зоналардан кескин фарқ қилади. Шу сабабли КСЗларни барпо этиш ва ривожлантириш мустақил тадқиқот ишларини олиб боришни талаб қилади.

Тадқиқот методологияси

Изланиш жараёнида КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришнинг концептуал моделини ва танлов мезонларини ишлаб чиқишда иқтисодий, қиёсий таҳлил, статистик, индекс, хронологик кузатиш усулларида фойдаланилди. Шу билан бирга Ўзбекистон ва хорижий олимларнинг ушбу мавзу юзасидан чоп этилган илмий ишларидан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон шароитида КСЗ ларни барпо этишнинг концептуал модели қуйидаги 1-расмда келтирилган.



1-расм. КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришнинг концептуал модели

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

КСЗ ларни барпо этиш бўйича биринчи таклиф ҳудудларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан берилиши мантиқан тўғри бўлади. Чунки, шаҳар ва туман ҳокимликлари ўз ҳудудидаги зарар кўриб ишлаётган, ночор ва паст рентабелли ташкилотлар, уларнинг бўш майдонлари тўғрисида ва КСЗ ларни ўз ҳудудида ташкил этишга мос бўлган бўш майдонлар тўғрисида аниқ ахборотга эга Бу ахборотлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қошидаги КСЗ ларни барпо этиш бўйича ташкил этилган махсус

комиссияга берилади. Комиссия ахборотларни қайта ишлаб, уларни экспертизадан ўтказди.

Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қошидаги КСЗ ларни барпо этиш бўйича ташкил этилган махсус комиссияга берилади. Комиссия ахборотларни қайта ишлаб, уларни экспертизадан ўтказди.

КСЗ лар ташкил этиладиган бўш майдонларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида тузилган комиссияга тақдим этилади. Комиссия бу таркибни ўрганиб, зарур бўлган қўшимча ва ўзгартиришлар киритади ва натижавий таркибни аниқлайди. Вазирлар Маҳкамаси давлат мулки бўлган бўш майдонларда КСЗ ларни барпо этиш бўйича қарор қабул қилади. Ушбу қарорга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан КСЗ ларни ташкил этиш бўйича қарор қабул қилади. Қарорга кўра қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- КСЗ лар зарур ташқи муҳандислик коммуникация ва инфратузилма билан таъминлаш ишлари амалга оширилади.

- КСЗ ларни бошқариш дирекциялари тузилади.

- КСЗ ларида тадбиркорлик субъектларини танлаш ва жойлаштириш бўйича танлов комиссиялари тузилади.

Таҳлилий босқич: КСЗ ва ажратилган ер майдонлари таҳлил этилади. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига кўра КСЗнинг ихтисослаштириш имкониятлари таҳлил этилади. КСЗ ларни ихтисослаштириш ёки тармоқ йўналишларини аниқлаш, биринчидан, КСЗ ларни табиий равишда кластерлашувга олиб келиши мумкин. Кластерлашув КСЗ таркибида кооперацияни ривожлантиришга олиб келади, ягона транспорт хизмати, ягона омборхона, ягона таъминот тизимларини ташкил этиш имконияти туғилади, бундан ташқари, КСЗ да суғурта компанияси бўлими, банк бўлими, почта хизмати, экспорт агентлиги бўлими, мутахассис кадрлар билан таъминлаш бўлими, ахборот билан таъминлаш хизмати каби хизматларнинг ташкил этилиши КСЗ ни кластер сифатида самарали фаолият кўрсатишига замин яратади.

КСЗ лар конгломерат махсулот турларини ишлаб чиқаришга мулжалланадиган бўлса унда ҳар хил саноат тармоқларига қарашли КБХТ субъектларини жойлаштириш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳри, Сергели ва Яккасарой КСЗларда 8та тармоққа тегишли текстиль, трикотаж, химия, озиқ-овқат, мебел, машинасозлик ва фармацевтика саноатига тешигли кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

КСЗ учун зарур бўлган ташқи муҳандислик коммуникация ва инфратузилма объектлари давлат акционерлик компаниялари “Ўзбекэнергия” ва “Ўзтрансгаз” маблағлари ва маҳаллий ҳокимият органлари бюджети ҳисобидан қурилади. Ишлаб чиқариш бинолари қуришни қуйидаги иккита вариантларда амалга ошириш мумкин.

Биринчи вариант: КСЗ тўлиқ давлат мулки бўладиган бўлса, ишлаб чиқариш бинолари давлат бюджети ҳисобидан (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар бюджетлари) қурилади ва улар КБХТ субъектларига, ижарага берилади. Маълум шартлар бажарилганда кейинчалик ҳусусийлаштирилиши мумкин.

Иккинчи вариант: зонанинг айрим ёки тўлиқ ишлаб чиқариш бинолари давлат-ҳусусий сектор шериклиги асосида қурилади. Бу ҳолда зона қатнашчилари танловдан

Ўтгандан кейин ишлаб чиқариш бинолари қуришни молиялаштиришда фаол қатнашади. Қуриладиган бинолар кейинчалик хусусийлаштириладиган бўлса, КБХТ субъектлари давлат улушини фаолият кўрсатиш давомида олинадиган фойда ҳисобидан қоплайди. КСЗ нинг ишлаб чиқариш бинолари, махсус ишлаб чиқилган лойиҳа асосида КБХТ субъектлари маблағи ҳисобидан қурилади. Бу ҳолатнинг устун томони, давлат маблағи сарфи тежалади, бинолар ишлаб чиқаришга мослашган ҳолда қурилади, бизнесни йўлга қўйиш муддати қисқаради.

Ҳозирги вақтда КСЗ қатнашчиларини танлов асосида жойлаштиришда яратиладиган иш ўринлари сони, киритиладиган инвестиция миқдори (1000 минимал иш ҳақи миқдоридан юқори) мезонлардан фойдаланилмоқда. Россия Федерациясида индустриал зона резидентларини танлашдаги мезонларга 1га фойдаланиладиган ер майдонига тўғри келадиган даромад, фойда, яратиладиган иш ўринлари, инвестиция миқдорининг чегаралари киради, [6].

Ўзбекистон шароитида КСЗ ларга зона қатнашчиларини танлов асосида жойлаштириш учун қуйидаги мезонлар тизими ишлаб чиқилди (2-расм).

| Экологик мезонлар | Ижтимоий мезонлар | Иқти содий мезонлар |
|---|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> • Хавони ифлосланиш даражаси: зарарли моддаларни хавога чиқаришнинг чегаравий нормаси; • Оқава сувларни ифлослантириш даражаси; • Транспорт тирбандлиги га олиб келиш; • Шовқин даражаси; • Ишлаб чиқаришларни ёнма-ён жойлаштириш бўйича чекловлар, масалан, озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан химия, фармацевтика корхоналарини яқин жойлаш-тирмаслик. | <ul style="list-style-type: none"> • Яратилган иш ўринлари сони, 1 квадрат метр фойдаланиладиган ер майдонига тўғри келадиган иш ўринлари сони • Ишчиларнинг иш ҳақи • Марказий ва маҳаллий бюджетларга тушудиган тушум | <ul style="list-style-type: none"> • Лойиҳа эгаллайдиган ер майдони; • Инвестиция хажми, бир метр квадрат фойдаланиладиган ер майдонига тўғри келадиган инвестиция хажми; • Бир метр квадрат фойдаланиладиган ер майдонига тўғри келадиган даромад, фойда; • Жами бир йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, унинг таркибида экспорт хажми ва инновацион маҳсулот хажми, маҳсулотга талаб ва уни истиқболлиги; • Технология; • Лойиҳани амалга ошириш ва қоплаш муддати; • Лойиҳа самарадорлиги; • Лойиҳани маҳаллий саноат корхоналари билан кооперациялашви имкониятлари; • Бизнесни истиқболлиги. |

2-расм. КСЗга танлов асосида жойлаштиришнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий мезонлари тизими

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Давлат ташкилотларининг фойдаланилмайдиган бўш майдонлари бўлмаган туманларда, ресурс имкониятларидан келиб чиқиб гринфилд (қурилиши бўлмаган

бўш майдонларда) КСЗ ларни барпо этиш саноатни ривожлантиришнинг муҳим бир йўналишларидан деб қараш мумкин. Гринфилд КСЗларни барпо этиш босқичлари қўйидагилардан иборат:

- Туман ҳудудида саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятларини, йўналишларини баҳолаш;
- вилоят ва туман ҳокимиятининг мазкур ҳудудда саноатни ривожлантириш стратегиясидан келиб чиқиб КСЗ йўналишини белгилаш;
- КСЗ барпо этиладиган бўш ер майдонларини аниқлаш ва уларни расмийлаштириш бўйича юқори ҳокимият органлари билан келишиш;
- КСЗ ни муҳандислик коммуникацияси ва инфратузилмаси билан таъминлаш бўйича лойиҳаларни тайёрлаш;
- Зона ҳудудида ишлаб чиқариш бино ва иншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни тайёрлаш;
- Молиялаштириш манбаъларини аниқлаш;
- КСЗ дирекциясини ташкил этиш;
- Қурилиш ишларини амалга ошириш;
- Зонада жойлаштириладиган кичик корхоналар ва танлов талаблари тўғрисида эълон бериш;
- КСЗ да КБХТ субъектларини жойлаштириш бўйича танлов ўтказиш;
- Танловдан утган КБХТ субъектлари билан давлат-хусусий шериклиги асосида қуриладиган бинолар бўйича келишув шартномаларни тузиш;
- Дирекция ва КБХТ субъектлари ўртасида ижара шартномасини тузиш.

КСЗ ни барпо этиш ва ривожлантириш ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси, саноатни ривожлантириш стратегиясига мос ҳолда амалга оширилиши лозим.

Хулоса ва таклифлар

Тошкент шаҳри ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига кўра саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришда “Локоматив” бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз. Унда танловда қатнашадиган лойиҳаларга қўйидаги мезонларни кучайтириш мақсадга мувофиқ: илм-сиғимли, экспортбоп, импорт ўрнини босадиган ва инновацион маҳсулот ишлаб чиқарадиган, хорижий унумли технологиядан фойдаланиб ишлаб чиқаришни амалга оширадиган бизнесга кенг йўл бериш. Технопарк, бизнес инкубатор, илмий тадқиқот ва тажрибали конструкторлик ишларини ривожлантириш. Андижон, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Навоий шаҳарларида барпо этиладиган КСЗ лар қатнашчиларига ҳам, юқорида келтирилган айрим мезонларни қўллаш мумкин. Экспорт имконияти бўлган, инновацион ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш, хорижий технологиядан фойдаланадиган КБХТ субъектларини танловда биринчилар қаторида ўтказиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Шаҳар четида ва туман ҳудудларида жойлашадиган КСЗ лар учун экологик мезонлар маълум даражада юмшатилиши мумкин. Туман ҳудудларида мутахассис кадрларнинг етишмаслиги, бу ҳудудларда техник ниқтаи назардан мураккаб бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарувчи КБХТ субъектларини жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ҳудудларнинг ҳокимият органлари КСЗ ларни барпо этишдан манфаатдор, чунки, КСЗ ларни барпо этилиши, ҳудудда янги иш ўринларини яратишга, ҳудуд

бюджетига тушум тушишига, аҳоли даромадларини ортишига ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига олиб келади. Шу сабабли маҳаллий ҳокимият органлари КСЗларни барпо этиш бўйича таклиф беришда етакчи бўлиши лозим.

References

1. Арутюнов, Ю.А. Формирование региональной инновационной системы на основе кластерной модели экономики региона [Электронный ресурс] / Ю.А. Арутюнов. – Режим доступа: <http://koet.syktso.ru/vestnik/2008/2008-4/1/1.htm>

2. Алпатов А.А. Государственно-частное партнерство: Механизмы реализации [Текст] / А.А. Алпатов, А.В. Пушкин, Р.М. Джапаридзе. – М.: Альпина Паблишер, 2010. – 198с.

3.Беленов О. Н., Смольянинова Т. Ю., Шурчкова Ю. В. Индустриальные парки: сущность и основные характеристики // Региональная экономика и управление. Электронный научный журнал. 2013. № 1 (33). С. 66-76.

4.Беркович М. И., Антипина Н. И. Особенности и классификация индустриальных парков: региональный аспект // Вестник Костромского государственного технологического университета. Серия “Экономические науки”, 2013.- № 1(3). - С. 25-28.

5.Салимов Б.Б. Саноат махсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлили ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар”, илмий электрон журнал, №3, Май-июн,2018й.

6.Чувардинский И.В. Индустриальные парки-элемент современной промышленной инфраструктуры. Формирование индустриальных парков, KPI Key Partner & Intesco. [www. Keypartner.ru](http://www.Keypartner.ru)